

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

698 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарори талаблари асосида таълим сифатини ижтимоий-иктисодий соҳаларда олиб бориляётган ислохотлар талабларига мувофиқ юксак даражага кўтариш, шунингдек узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини назорат қилишни янада такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўкув жараёни самарадорлигининг холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Давлат инспекцияси деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар Давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларга малака тоифаларини бериш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

идоравий мансублиги ва ташкилий-хукуқий шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш;

ўқувчилар, талабалар ва тингловчилар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи сифатида нодавлат таълим муассасаларига лицензиялар бериш;

хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)ни ташкил этиш;

республика ҳудудида хорижий таълим муассасаларининг таълим фаолиятини юритиш хукуқига рухсатномалар бериш учун тақдим этилган хужжатларни экспертизадан ўтказиш;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан бериладиган расмий хужжатларга апостиль қўйиш.

3. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 108 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Давлат инспекцияси бошлиғига зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаменти билан келишган ҳолда Давлат инспекциясининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш хукуқи берилсан.

4. Белгилаб қўйилсанки:

Давлат инспекцияси бошлиғи мақомига кўра вазирга, бошлиқ ўринбосари эса вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Давлат инспекцияси ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади.

5. Куйидагилар Давлат инспекцияси фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ҳомийлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

грантлар, хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Давлат инспекцияси бир ой муддатда инспекцияни таълим сифатини назорат қилиш соҳасида амалий-методик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар, шунингдек илмий-педагогик стажга эга ходимлар билан таъминласин.

7. Давлат инспекцияси Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-үй манзилига жойлаштирилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-үй манзилидаги бинони туташ худуди билан бирга Давлат инспекциясига оператив бошқарув хукуки билан топширсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимларини бир ой муддатда Давлат инспекциясининг худудий бўлимларини жойлаштириш масаласини ҳал қилсинлар.

10. Давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ва Молия вазирлиги билан биргаликда таълим муассасаларини аттестациядан ўtkазиш жараёнида аниқланган таълим сифатини таъминлашдаги камчиликлар ва нуқсонлар учун ушбу муассасаларнинг раҳбар ва педагог ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини кўллаш механизмини жорий этиш тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Махкамасига таклиф киритсан.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда Давлат инспекциясини зарур алоқа воситалари, шу жумладан хукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

12. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йил 1 октябрдан бошлаб:

умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълим муассасаларида биринчи ва олий малака тоифали, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидағи ҳамда мазкур малака тоифалари ва лавозимларга талабгор педагог кадрларга малака тоифасини беришда энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида;

нодавлат таълим муассасаларини аттестациядан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида йигим жорий этилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат тест маркази:

тугатилаётган Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш бошқармасининг моддий-техника ресурсларини ва тааллуклилиги бўйича шаклланган ҳужжатларини белгиланган тартибда Давлат инспекциясига ўтказсин;

2017 йилда Давлат инспекциясининг асослантирилган ҳисоб-китоблари-

698-модда

— 68 —

29 (789)-сон

га кўра унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Давлат инспекциясига зарур маблағлар ажратсин;

Давлат инспекциясига тизимли равишда ўзида мавжуд назорат материаллари банкидан фойдаланиш имкониятини яратсин.

14. Республикадаги барча олий таълим муассасалари таркибида уларнинг белгиланган штатлари доирасида Давлат инспекцияси бошлиғи тавсиясига асосан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган 3 нафар (ойлик иш ҳақи декан лавозимига тенглаштирилган бўлим бошлиғи ва 2 нафар бош мутахассис) ходимдан иборат таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари ташкил этилсин. Бўлимга олий таълим муассасаси талабалари билимларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш, кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш ҳамда олий таълим муассасасини ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва ички аттестация натижаларини, таълим сифатига таъсир этган омиллар тўғрисидаги маълумотларни олий таълим муассасаси ректорига ҳамда Давлат инспекциясига тақдим этиш вазифаси юклансин

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорда назарда тутилган харажатлар учун зарур бюджет маблағларини 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ижтимоий соҳага назарда тутилган маблағлар доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ушбу соҳага ажратилган маблағлар доирасида назарда тутсин;

ушбу қарордан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йил учун тасдиқланган харажатларига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Давлат инспекциясига 3 та, шу жумладан 2 та бириктирилган ва 1 та навбатчи автотранспорт воситасига лимит ажратсин;

Давлат инспекциясига моддий-техника базасини шакллантириш учун зарур бўлган жиҳозлар ва ахборот-коммуникация технологияларини харид қилиш учун икки ой муддатда маблағлар ажратилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг З-иловага мувофик айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 июль,
515-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда Давлат инспекцияси деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хукуклари ва жавобгарлиги, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Давлат инспекцияси таълим тизимида ўкув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширадиган, идоравий мансублиги ва ташкилий-хукуқий шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказадиган маҳсус ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади.

3. Давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади ва унга ҳисобот беради.

4. Давлат инспекцияси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилигига бюджет ва бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобваракларига эга бўлади.

5. Давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга ва бошқа конун ҳужжатларига амал қиласи.

6. Давлат инспекцияси таркибига юридик шахс мақомига эга бўлмаган Корақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлар (кейинги ўринларда Худудий бўлимлар деб аталади) киради.

Ҳудудий бўлимлар ўз фаолиятини Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширади.

7. Давлат инспекцияси ўз фаолиятини давлат ҳокимияти ва бошқарувни органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ва функциялари

8. Кўйидагилар Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларга малака тоифаларини бериш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш;

ўқувчилар, талабалар ва тингловчилар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларига мувофиқлигини тахлил қилиш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи сифатида нодавлат таълим муассасаларига лицензиялар беришни ташкил этиш;

хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)ни ташкил этиш;

республика худудида хорижий таълим муассасаларининг таълим фаолиятини юритиш хукуқига рухсатномалар бериш учун тақдим этилган хужжатларни экспертизадан ўтказиш;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан бериладиган расмий хужжатларга апостиль қўйиш.

9. Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун кўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

ўқувчилар, талабалар ва тингловчилар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларига мувофиқлигини тизимили равища таҳлил қилиш;

педагог кадрларга лавозим ва малака тоифаларини бериш учун норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

педагог кадрларга малака тоифаларини бериш жараёнини ташкил этиш жадвалларини тузиш ва тасдиқлаш;

таълим соҳасидаги бошқарув органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг педагог кадрларга мос равища лавозим ва малака тоифаларини беришни ташкил қилиш ва ўтказиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

педагог кадрларга лавозим ва малака тоифаларини бериш даврийлиги хақидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

педагог кадрларга лавозим ва малака тоифалари беришни ташкил этиш;

лавозим ва малака тоифаларига эга бўлган педагог кадрларга белгиланган намунаидаги малака тоифаларига оид сертификатлар бериш;

педагог кадрларнинг назорат синовлари натижаси бўйича лавозим ва малака тоифаларига оид сертификатлар берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни Давлат инспекциясининг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш;

кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда иш берувчиларнинг таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати бўйича таклифлари асосида мутахассислик малака талабларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларини, шунингдек улар асосида таълимнинг барча турлари бўйича ишлаб чиқилган ўкув режа ва дастурларини экспертиздан ўтказиш;

таълим муассасаларида ўкув-тарбия ҳамда кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини ташкил этиш ва амалга ошириш;

узлуксиз таълим тизимида ташкил этиладиган фан олимпиадалари, беллашувлар ва турли қўрик-танловларни холис ваadolатли ўтказилишини назорат қилиш, натижаларини таҳлил этиш;

таълим сифатини баҳолаш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

б) идоравий мансублиги ва ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ҳалқ таълими вазирлиги билан биргаликда таълим сифатини назорат қилиш ва таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши;

таълим сифати назорати ҳамда аттестация жараёнида қўлланиладиган назорат материалларини ишлаб чиқиши, маҳфийлигини сақлаш бўйича чоратадбирлар комплексини амалга ошириш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш учун жалб этиладиган эксперталарни танлаш, ўқитиши ва ўқитиши якунлари бўйича ушбу эксперталарни саралаб олиш механизмини ишлаб чиқиши ва такомиллаштириши;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш;

таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиши;

таълим сифати мониторинги, аттестация ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни ўз вактида бартараф этилишини назорат қилиши;

аттестация натижаларига кўра, таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш;

давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасаларининг реестрини юритиш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жараёни ва натижаларига доир масалалар бўйича эксперт хулосалари, хисоботлар, таҳлилий материаллар тайёрлаш;

идоравий мансублигидан ва ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар,

таълим муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш, тугатиш) ҳамда уларнинг мақомини қайта кўриб чиқиш бўйича тегишли хулосалар тайёрлаш;

в) ўқувчилар, талабалар ва тингловчилар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш соҳасида:

ўқувчилар, талабалар ва тингловчилар билимларини аниқлаш мақсадида назорат материалларини ишлаб чиқиш;

назорат ишларини ўтказиш, натижаларни таҳлил қилиш, таълим сифатига таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш, шу жумладан таълим муассасаларида умумтаълим фанлари ва касбий фанлар бўйича танлаб олиш асосида битирувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси ва ўқитиш сифати мониторингини ўтказиш орқали таълим сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

ўқувчилар, талабалар ва тингловчилар ўртасида таълим сифатини ошириш, давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларини бажариш даражасини ўрганишга қаратилган интеллектуал кўрик-танловлар, мусобақаларни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёrlаш сифати мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш бўйича ташкилий-хуқуқий ва методик кўрсатмаларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;

замонавий ахборот-телеқоммуникация технологияларига асосланган ҳолда таълим ва кадрлар тайёrlаш сифати мониторингини олиб бориш;

таълим муассасаларида ўқитиш ва кадрлар тайёrlаш сифатини ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровларни ўтказиш;

таълим сифатини баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёrlаш;

таълим сифатини баҳолаш натижалари асосида таълим ва кадрлар тайёrlаш сифатининг умумий ҳолати бўйича таълим муассасалари рейтингини аниқлаш;

г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи сифатида нодавлат таълим муассасаларига лицензиялар бериш соҳасида:

талабгорларнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиши ташкил этиш;

талабгорларнинг аризаларини кўриб чиқиш натижалари бўйича эксперт хулосасини тайёrlаш;

талабгорларнинг аризаларини кўриб чиқиш натижалари ҳақида талабгорларга маълумот бериш;

ижобий эксперт хулосалари асосида лицензияларни расмийлаштириш ва нодавлат таълим муассасаларига бериш;

д) хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳуж-

жатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)ни ташкил этиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакилларидан иборат таркибда тегишли таълим йўналиш (мутахассислик)лари бўйича хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш) бўйича экспертизадан ўтказувчи эксперт комиссиясини (кейинги ўринларда Эксперт комиссияси деб аталади) шакллантириш ва унинг ишини ташкил этиш;

талабгорлардан хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш) учун зарур бўлган таълим тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олиш;

таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) жараёни учун барча зарур ҳужжатлар мавжудлигини аниқлаш ва материалларни Эксперт комиссиясига юборишни ташкил этиш;

Эксперт комиссияси томонидан нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) учун тақдим этилган таълим тўғрисидаги ҳужжатни экспертизадан ўтказиш натижасига кўра хуносатни ташкил этиш;

Эксперт комиссиясининг хуносаси ҳақида талабгорга маълум қилиш;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тан олинганда ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) амалга оширилганда талабгорга давлат намунасидаги гувоҳномалар расмийлаштирилишини ташкил этиш;

е) республика худудида хорижий таълим муассасаларининг таълим фаолиятини юритиш хуқуқига рухсатномалар бериш учун тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш соҳасида:

республика худудида хорижий таълим муассасаларининг таълим фаолиятини юритиш хуқуқига рухсатномалар бериш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш;

республика худудида хорижий таълим муассасаларининг таълим фаолиятини юритиш хуқуқига рухсатномалар бериш учун тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш;

педагог кадрлар таъминоти, моддий-техник база, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа техник воситаларни таълим дастурини амалга ошириш учун етарлилиги юзасидан эксперт хуносасини тайёрлаш;

ж) таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан бериладиган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш соҳасида:

апостиль қўйиш учун мурожаатлар ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш;

апостиль қўйиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш;

апостиль қўйиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ариза берувчига маълумот бериш.

10. Худудий бўлимлар қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

таълим муассасалари аттестациясининг ўтказилишини, унинг сифатли ва самарали ташкил қилинишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жараёнида Давлат инспекцияси ва таълим соҳасидаги ҳудудий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш;

олий таълим, олий ўкув юритидан кейинги таълим ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жараёнида олий таълим муассасаларининг таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари томонидан ўтказиладиган ички аттестация жараёнини мувофиқлаштириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш мониторингини олиб бориш ва сифатини назорат қилиш жараёнида ташкилий ишларни амалга ошириш.

3-боб. Давлат инспекциясининг хукуқлари ва жавобгарлиги

11. Давлат инспекцияси ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги хукуқларга эга:

ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун вазирликлар, идоралар, таълим муассасаларидан зарур маълумотлар ва материалларни олиш;

таълим тизимида ўкув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш бўйича таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари томонидан таълим тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган бўйруқлар, фармойишлар ва қарорларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш;

таълим муассасаларида таълим сифатини, таълимнинг барча турлари бўйича ўкув режалари ва дастурларининг давлат таълим стандартларига, давлат талаблари ва малака талабларига мувофиқлигини белгиланган тартибда текшириш;

аттестация жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни таълим соҳасидаги бошқарув органлари ва таълим муассасаларидан талаб қилиб олиш;

шартнома асосида илмий-методик ва ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш;

ўзига юклатилган вазифаларни ҳал этиш учун вазирликлар ва идоралар, таълим муассасаларининг олимлари, амалиётчи педагог ўқитувчи-методистлар ҳамда хорижий эксперктларни жалб этган ҳолда инновацион лабораториялар, таянч таълим муассасаларини белгилаш, мақсадли илмий-тадқиқот, ижодий гурухлар, илмий кенгаш ва комиссиялар ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида вазирликлар ва идоралар, ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш сифати муаммолари бўйича ҳалқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар, семинар ва ўқувлар ташкил этиш ва уларда иштирок этиш, шунингдек давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳамкорлик масалалари бўйича музокараларда қатнашиш;

ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва таълим соҳасидаги бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларини жалб этган ҳолда таълим сифати мониторингини, конференциялар, йиғилишлар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

ўз ваколатига тегишли масалаларда ўқув қўлланма, методик ишланмалар, назорат материалларини ишлаб чиқиш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жараёнида таълим сифатига оид аниқланган камчиликлар ва нуксонлар учун ушбу муассасаларнинг раҳбар ва педагог ходимларига нисбатан жарималар қўллаш.

Давлат инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Давлат инспекцияси ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

Давлат инспекцияси зарур ҳолларда, давлат бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда белгиланган тартибда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқариш хукукига эга.

13. Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш

14. Давлат инспекциясига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошчилик қиласи.

Давлат инспекцияси бошлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ўринbosари бўлади.

Давлат инспекцияси бошлиги мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирига, ўринbosар эса — тегишли равишда вазир ўринbosарига тенглаштирилади.

Давлат инспекциясининг бош бошқарма бошликлари, бўлим бошликлари ва ходимлари, шу жумладан Ҳудудий бўлимлар ходимлари Давлат инспекцияси бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

15. Давлат инспекцияси бошлиги:

Давлат инспекцияси фаолиятига бевосита раҳбарлик қиласи ва Давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

Давлат инспекцияси ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Давлат инспекциясининг таркибий бўлинмалари ва Худудий бўлимлари тўғрисидаги низомларини тасдиқлайди;

Давлат инспекцияси ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди;

Давлат инспекцияси фаолиятининг жорий ва истиқбол режаларини тузилишини ташкил этади;

Давлат инспекцияси ходимларини рағбатлантиради ҳамда уларни давлат мукофотлари, фахрий унвонлар, фахрий ёрликлар берилишига тавсия этади;

Давлат инспекцияси ходимларини зарур ҳолларда интизомий жавобгарликка тортади.

Давлат инспекцияси бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16. Давлат инспекциясида Давлат инспекцияси бошлиғи, унинг ўринбосари, бош бошқарма бошлиқлари, бўлим бошлиқлари ва юқори малакали ходимлардан иборат таркибда илмий-методик кенгаш ташкил этилади. Илмий-методик кенгаш аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Давлат инспекцияси бошлиғи буйруғи билан тасдиқланади.

17. Илмий-методик кенгаш мазкур Низомга мувофиқ Давлат инспекцияси га юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнига оид илмий, методик ва норматив-хуқуқий ҳужжатларга оид масалаларни кўриб чиқади.

Илмий-методик кенгаш қарорлари Давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи билан амалга оширилади.

5-боб. Давлат инспекцияси фаолиятини молиялаштириш

18. Давлат инспекцияси фаолияти қўйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ҳомийлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

грантлар, хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

19. Давлат инспекциясининг харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси белгиланган тартибда Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.


20. Давлат инспекцияси ўзининг касаба уюшмасининг таклифига мувофиқ Давлат инспекцияси раҳбарлари ва ходимларига устамалар белгилаши ҳамда ойлик иш хақининг бир баравари миқдоригача мукофотлаши мумкин.

6-боб. Якуний қоида

21. Давлат инспекциясини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини
назорат қилиш давлат инспекциясининг
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида низомда:

а) 5-банддаги «Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма)» сўзлари «Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Давлат инспекцияси деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг бешинчи хатбошидаги, «Бошқармага тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш тартиби» бобидаги, 20 ва 29-бандлардаги «Бошқармага» сўзи «Давлат инспекциясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банднинг бешинчи хатбошидаги, 31-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат тест марказининг» сўзлари «Давлат инспекциясининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази» сўзлари «Давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 10, 21, 22 ва 30-бандлардаги «Бошқарма» сўзи «Давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 25-банднинг иккинчи хатбошидаги «Давлат тест марказига» сўзлари «Давлат инспекциясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 28-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Махсус синовлар натижасидан норози бўлган ариза берувчи синов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичидан шикоят билан Давлат инспекциясига мурожаат қилиши мумкин.

Махсус синовни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шикоятлар синов ўтказилган куни берилиши лозим.

Махсус синовлар натижаси бўйича тушган шикоят Давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи билан ташкил этилган комиссия томонидан икки хафта ичидаги кўриб чиқилади ва ёзма равишда муаллифга жавоб юборилади.

Эксперт комиссияси қарорига мувофиқ маҳсус синовлар натижасига кўра хужжатлари ностирификациялашга тавсия этилмаган ариза берувчилар белгиланган тартибда маҳсус синовларни топшириш учун қайта мурожаат қилишлари мумкин.»;

з) 34-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) учун амалдаги белгиланган энг кам ойлик иш хақининг икки баравари микдорида йиғим

ундирилади. Бунда мазкур йигимнинг 50 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига ўтказилади.»;

и) 1-иловада:

1-блокдаги «Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестациялари бошқармасига (кейинчалик — Бошқарма) топширилади» сўзлари «Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси) топширилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

2 ва 3-блоклардаги «Бошқарма» сўзи «Давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Мазмуни» устунидаги «Бошқармага» ва «Бошқарма» сўзлари тегишлича «Давлат инспекциясига» ва «Давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Бажариш учун масъуллар» устунидаги «Давлат тест маркази таркибидаги Бошқарма» сўзлари «Давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 2-илованинг номидаги «Давлат тест марказига» сўзлари «Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 3, 4, 5 ва 6-иловаларнинг тўртинчи хатбошиларидағи «O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi» сўзлари «O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiysi» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2006 й., 6-7-сон, 37-модда):

а) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Таълим муассасалари давлат аккредитацияси Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда мазкур Низом асосида ўтказилади.»;

б) 3-банддаги «Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази)» сўзлари «Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси)» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7, 12, 16, 21-бандлардаги, 38-банднинг иккинчи хатбошидаги, 39, 41, 46-бандлардаги «Давлат тест маркази» сўзлари «Давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) қўйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

«11¹. Нодавлат таълим муассасаларини аттестациядан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари микдорида йигим ундирилади.

Аттестациядан ўтказганлик учун йигим Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига ўтказилади.»;

д) 13-банддаги «Давлат тест марказидан» сўзлари «Давлат инспекциясидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 14 ва 15-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Давлат инспекциясида аттестациядан ўтувчи таълим муассасаси учун аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар йиғма жилди йиғилади. Унда:

Комиссия тузиш хақидаги буйруқ (қарор);

таълим муассасасининг комиссияга тақдим этган ҳужжатлари нусхалари; аттестация натижалари бўйича комиссия хulosаси;

аттестация натижалари бўйича Давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи жамланади.

Ҳужжатлар йиғмажилди навбатдаги аттестация ўтказилгунга қадар Давлат инспекциясида сақланади.

15. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш учун Давлат инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларни билан ҳамкорликда қўшма қарор қабул қиласди. Аттестация комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия)лари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан тузилади ва таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мутахассислари, фан ва таълим касаба уюшмаси хамда жамоатчилик вакиллари жалб этилади. Комиссияни туман (шаҳар) ҳокимининг масъул ўринbosари бошқаради.

Давлат инспекцияси таълим муассасалари аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари хамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлашибади ва назорат қиласди»;

ж) 17-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Комиссия Давлат инспекцияси томонидан тузилиб, унга Давлат инспекцияси ходими раҳбарлик қиласди.»;

з) 40-банддаги «Давлат тест марказига» сўzlари «Давлат инспекциясига» сўzlари билан алмаштирилсин;

и) 44-банднинг еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сертификат бланкалари намуналари Давлат инспекцияси томонидан ишлаб чиқилади ва унинг буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Давлат инспекцияси бошлиғи сертификат бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.»;

к) 47-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасалари Давлат инспекциясида ҳисобга олинади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Таълим муассасалари янги ташкил этилганда, қайта ташкил этилганда, тугатилганда манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан, нодавлат таълим муассасалари тугатилганда таъсисчилари томонидан тегишли қарор нусхаси бир ҳафта мuddатда Давлат инспекциясига тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан биргаликда

ташкил этилган таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларининг таълим муассасалари филиаллари аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги ёки унга тенглаширилган хужжатни асосий таълим муассасасидан олгандан сўнг, унинг нусхасини икки хафта муддатда Давлат инспекциясига тақдим этиши шарт.

Давлат инспекцияси ушбу хужжатлар асосида давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасалари реестрига тегишли ўзгартиришларни кирилади;

л) 1 ва 2-иоловалардаги «Давлат тест маркази» ва «Давлат тест маркази директори» сўзлари тегишлича «Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси» ва «Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Махкамасининг «Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сон қарорида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Давлат тест марказига» сўзлари «Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иолованинг 8-банди биринчи хатбошидаги «10 фоизи» сўзлари «100 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Махкамасининг «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 7 апрелдаги 107-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2016 й., 15-сон, 146-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги ва 3-банддаги «Давлат тест маркази» сўзлари «Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Иловада:

11-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази)» сўзлари «Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси)» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг биринчи хатбошидаги, 36, 37, 50, 56-бандлардаги ва 1-иоловадаги «Давлат тест маркази» сўзлари «Давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 27-банднинг иккинчи хатбошидаги «Давлат тест марказининг» сўзлари «Давлат инспекциясининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 28-банднинг учинчи хатбошидаги «Давлат тест марказига» сўзлари «Давлат инспекциясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги 36¹-банд билан тўлдирилсин:

«36¹. Биринчи ва олий малака тоифали, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидаги ҳамда мазкур малака тоифалари ва лавозимларга талабгор педагог

698-699-моддалар

— 82 —

29 (789)-сон

кадрларни аттестациядан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Аттестациядан ўтказганлик учун йиғим Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига ўтказилади.

Ариза берувчи берилган аризадан воз кечган тақдирда ҳамда педагог кадрга нисбатан «Аттестациядан ўтмади, тегишли малака тоифаси ёки лавозими туширилсин», мутахассис, олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас» қарори қабул қилинганда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Педагог кадрлар аттестациянинг бирор босқичида узрли сабабга (мехнатга лаёқатсизлик варақаси, таълимни бошқариш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органи ёки таълим муассасалари раҳбарлари маълумотномаси) кўра келмаган бўлса, уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилган тақдирда йиғим суммаси такроран ундирилмайди.»;

51-банддаги «Давлат тест маркази директори» сўzlари «Давлат инспекцияси бошлиғи» сўzlари билан алмаштирилсин.